# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 152 (21. 251) 1992 йил 4 август, сешанба

ОБУНАЧИГА 2 СЎМ, СОТУВДА КЕЛИШИЛГАН НАРХДА


1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

# БАЙРАМ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

## БУГУНГИ СОНДА:


1-БЕТ:
● Ўзбекистон бўйича пахтага сарфланаётган сувнинг 30-40 фоизини тежаб қолиш — қишлоқ хўжалигимиз тараққиётида ўзига хос инқилоб ясаш мумкин, дегани.

2-БЕТ:
● Яхши кунларга умид туйғуси билан

3-БЕТ:
● Биржа нима учун керак?

4-БЕТ:
● «Тўғри йўлдаги нотўғрилик сизни ажаблантирмасин»


• *Мустақиллик байрамининг эмблемаси*

## ШОДИЁНА «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК» ШИОРИ ОСТИДА ЎТАДИ

**Дунёда ўзини мустақилман деб билган жамики мамлакатнинг ўзига хос халқи, қиёфаси, овози ва ўрни бор. Хайриятки, ота юртимиз Ўзбекистон ҳам ана шундай саодатманд мамлакатлар қаторидан жой олди. Унинг меҳнаткаш халқи, олам харитасида муносиб ўрни, жаҳон минбарида муносиб овози бор энди. Бунинг тимсоли — ўз миллий герби, миллий байроғи ва фахриясига эга.**

**Биринчи сентябрда истиқлолимизни илк бор байрам қиламиз. Шодиёнанинг «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ва ҲАМЖИҲАТЛИК» шиори остида ўтиши унга теран мазмун, чексиз улуғворлик бағишламоғи табиий.**

**Байрам нишонига тикилиброқ қаранг. Унда Сиз Ватанимиз байроғининг, гербининг, истиқлолининг тимсолини кўрасиз. Ҳар биримиз бу қадим юртга, Ватанга, азоблар ичра туғилган истиқлолга муносиб бўлайлик!**

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ЎЗИГА ХОС ТАДБИР

**● Тошкент вилояти шаҳар ва районларида янги партия ҳужжатларини топшириш маросими ХДП аъзоларининг ўзига хос кўригига айланиб бормоқда.**

Бўстонлиқ районида шу тадбирга бағишланиб ўтказилган маросимда Чорвоқ пойабзал фабрикаси, район автокорхонаси, Хўжакент йўллардан фойдаланиш бошқармаси, «Чинор» ва «Қоранқул» қишлоқлари, Чорвоқ ГЭСи қурилиши ва бошқа корхоналардан келган илғорлар янги партия билетларини олдилар. Билетларни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов топширди. Маросимда Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ў. Турғунов, район ҳокими Қ. Йўлдошев ва Ўзбекистон ХДП район кенгаши биринчи котиби Р. Маҳкамов иштирок этди.

Кунинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов райондаги қатор саноат корхоналарида бўлиб, меҳнаткашлар билан суҳбатлашди.

**А. МАННОПОВ.**

**● Қашқадарё вилоятида ҳам партия аъзоларига билетлар топширила бошланди.**

Шаҳар партия кенгашида шу воқеага бағишлаб алоҳида маросим бўлиб ўтди. Партияга аъзолик билетини дастлаб олганлар орасида вилоят фахрийлар кенгашининг раиси С. Усмонов, «Ҳужум» ҳаракати фаолларидан О. Фатҳуллаева, Е. Хорошилова, Н. Акрамова, Улуғ Ватан уруши фахрийси И. Жалилов ва бошқалар бор.

Шу куни 300 дан ортиқ кишига партия билетлари топширилди.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг 1992 йилги чекланган харид нархлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда картошканинг, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг ва қуруқ меванинг янги чекланган харид нархлари тасдиқланди (иловага мувофиқ). Шунга кўра корхоналар, хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқаролар республикадан ташқарига олиб чиқиб кетадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига солинадиган бож миқдорлари қайта кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» 1992 йил 14 апрелдаги 188-рақамли қарори 2-банди 3-абзацининг амал қилиши сақлаб қолинди. Бунда ҳукуматлараро битимлар ва бевосита хўжалик алоқалари бўйича мева-сабзавот маҳсулотини республикадан ташқарига етказиб берувчи корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар бож тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига бир ҳафта муддат ичида янги чекланган харид нархларининг тегишли жорий нархларини манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

### МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

(тоннаси учун сўм ҳисобида)

| | |
|---|---|
| Картошка | |
| 1 августдан мавсум охиригача | 6000 |
| Пиёз | |
| 1 августдан мавсум охиригача | 4000 |
| Карам | |
| 1 августдан мавсум охиригача | 3000 |
| Палаги қирқилган янги овқатбоп сабзи | |
| 1 августдан 30 сентябргача | 4000 |
| 1 октябрдан мавсум охиригача | 3000 |
| Янги қизил помидорлар | |
| 1 августдан 30 сентябргача | 4000 |
| 1 октябрдан мавсум охиригача | 5000 |
| Саноатда қайта ишлаш учун янги қизил помидорлар | |
| 1 августдан мавсум охиригача | 3000 |
| янги олмалар | 6000 |
| овқатбоп узум навлари | 6000 |
| қуруқ мевалар | 40000 |
| майизлар | 45000 |

**Изоҳ:** 1992 йилнинг 1 августидан янги бодринг ва нок учун шартномавий (эркин) харид нархлари жорий этилсин.

• СПОРТ •

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАЧИЛАРИНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

**● Барселона олимпиадаси ўзининг энг юқори чўққисидан оға бошлади, дейиш мумкин. Яна олти кундан кейин жаҳон спортчиларининг йирик анжуманига якун ясалади. Мусобақа бошиданоқ пешқадамликни қўлга олган МДҲ бирлашган жамоаси спортчилари умумҳисобда ҳамон олдинда боришмоқда.**




Улар ўн кун мобайнида жами 74 та, шундан 32 таси олтин медаль тўплашди. Бу ғалабага мустақил Ўзбекистон спортчилари ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшиб, республикамиз нуфузини шарафламоқдалар. Икки гимнастикачи қизимизнинг олимпиада чемпиони бўлишгани ҳақида хабар қилган эдик.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди. Нуқуслик оғир атлетикачи Сергей Сирцов икки курашда 312,5 килограмм натижа билан олимпиаданинг кумуш медалини қўлга киритди. Тошкентлик мерган Анатолий Асрабоев ҳам олимпиада совриндори бўлди. У милтиқдан нишонга олиш бўйича ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилиб, кўксига кумуш медаль осди. Шундай қилиб, Ўзбекистон спортчилари она-Ватанига иккита олтин, шунча кумуш медаль билан қайтадиган бўлиб туришибди. Мусобақалар эса давом этмоқда.

### МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВРАСИ УЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

**19-тур учрашувларида пешқадамлар мавқеларини мустаҳкамлашди.**

Фақат пахтакорчилар «Сўғдиёна» майдонида имкониятни (1:4) бой бериб қўйишди. «Нефтчи» навбатдаги ғалабадан кейин 27 очко билан биринчи ўринга кўтарилди. Пахтакорчилар ҳисобида 26 очко бор. «Нурафшон» 24 очко билан учинчи бўлиб турибди.

## Попдан пахта толаси хорижга жўнатилмоқда

**● МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан Поп пахта тозалаш заводи маҳсулотлари ҳам хорижга жўнатилмоқда.**

Бу ерда тайёрланган пахта толаси Туркия, Корея, Олмония, Чехословакия ва Италия каби хорижий мамлакатларга жўнатилиб турибди. Кейинги икки ой мобайнида қариб 1 минг 200 тонна пахта ана шу юртларга жўнатилди. Мустақил Ўзбекистон бойлиги ҳисобланган бу маҳсулотлар эвазига халқимиз учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечаклар ва қурилиш материаллари каби маҳсулотлар келтириш кўзда тутилган.

**Т. УЗОҚОВ.**

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

**● Давлат арбоби, ажойиб инсон Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш учун Жиззах шаҳрида ободончилик ишлари бошлаб юборилди.**

Жиззах шаҳар ҳокимлиги билан шаҳар ободончилик бошқармаси ўзаро ҳамкорликда кўчалар ва хиёбонларни тартибга келтириш, таъмирлаш ишларини жадаллаштириб юбордилар. Бугунгача шаҳарнинг Умрбек, Октябрь, М. Ашуров ва Ленинград кўчалари қайта таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Шаҳар ҳокимлиги Шароф Рашидов қадамжоларини тартибга солиш, ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги қадимий биноларидан бири, XVI асрда қурилган мадраса ҳам таъмирланмоқда. Бино рўпарасидаги кўримсиз хиёбон кенгайтирилиб, барқ уриб турган дарахтларга шакл берилиб дилтортар масканлардан бирига айлантирилди. Бу ерни Шароф Рашидов хиёбони, деб аташ мўлжалланмоқда.

**Фурқат ҚАЮМОВ,**
**Жиззах шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси.**

• *Фан уфқлари*

## Пахтачилик лабораториялари далаларга кўчмоқда

**● Кун тиккага келган. Асад қуёши еру кўкка олов селини уфириб ётибди. Дала-даштдаги жамики жонзот ўзини сояга урган. Лекин бўлиқ пахтазор оралаб юрган бир киши сояга чиқишни хаёлига ҳам келтирмайди. Гоҳ ғўза шохларидаги кўсакларни санайди, гоҳ ғўза томирлари атрофидаги тўпроқни очиб нималарнидир кўради. Ён дафтарига аллақандай рақамларни қайд этади.**

Маҳмуджон Исомиддинов — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Анча йиллардан бери пахтачиликни ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб боради. Биз кўпинча катта кашфиётлар, фандаги жиддий янгиликлар негадир пойтахт фан даргоҳларининг илмий лабораторияларида яратилади, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, вилоятларда ҳам ўнлаб, юзлаб илмий-тадқиқот муассасалари борки, уларда ҳам эътиборга молик ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Биолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Фарғона филиалининг «Конизар» илмий-тажриба хўжалиги жиддий тадқиқотлар майдонига айланган.

— Мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётида эндиликда бирор бир экиннинг яккаҳокимлиги қайтарилмайди, албатта. Аммо пахта ва бошқа қатор техника экинлари қишлоқ хўжалигимизнинг устунларидан бири бўлиб қолаверишидек шубҳасиз, — дейди илмий-тажриба хўжалиги оталиғини олган академик М. Муҳаммаджонов. — «Конизар» илмий-тажриба хўжалиги фан билан ишлаб чиқаришни яқинлаштириш, бугунги кун ва келажак орасидаги ўзига хос кўприк бўлиб қолишига умид қиламиз.

Дарҳақиқат, бу ерда олимлар олиб бораётган ишлар билан танишиш бу фикрларни тасдиқлади. Риштон районидаги «Жалоер» жамоа хўжалигининг А. Муҳиддинов бошлиқ бригадасида икки йилдан буён синов ишлари кетяпти. Бригада ерларига «С—65—24» ғўза нави экилган. Нав ўз хусусиятларига кўра сувталаб, парваришни суяди. Пайкалларда ғўзалар бўлиқ. Ҳозирнинг ўзида етти-саккиздан кўсак бор. Ғўза пуштага экилган. Серпох, тупи бақувват. М. Исомиддинов шу пайкалларда ўз тажриба ишларини олиб боради. Қўшни пайкаллар билан солиштирганда ғўзанинг ривожи, кўринини анчагина фарқ қилади. Лекин бизни ҳайратга солган нарса шундаки, бу ғўзалар йил бошидан буён ҳали бир марта ҳам сув ичмаган!

Тўппа-тўғри, — дейди А. Муҳиддинов, — ўтган йили домла М. Исомиддинов ишлаб чиққан технологияга мувофиқ беш гектар ерда ғўза парваришладим. Йил охиригача бор-йўғи икки марта суғордик, холос. Август бошларида ва ўрталарида сув бердик. Пайкалга умуман биров кетмон кўтариб чиқмади. Чунки суғорилмагандан кейин бегона ўт ҳам чиқмас экан. Икки марта трактор ишлов бердик. Ўттиз фоиздан ортиқ, яъни ҳар гектаридан минг кубометрдан сув тежаб қолинди.

М. Исомиддинов технологияси асосида пахта етиштирилган майдонларда ҳосилдорлик оддий усулда ишлов берилган майдонларга нисбатан олти-етти центнер кўп пахта берди. Сарф-харажат эса 42,4 фоизга қисқарди. Маҳсулот таннархи тушиб, олинадиган фойда миқдори кўпайди.

Узоқ йиллар бевосита ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатганман, — дейди М. Исомиддинов, — Ўзбекистон учун сув муаммоси қандай аҳамият касб этишини яхши биламиз. Кўп йиллик тажрибалар ва илмий изланишлар туфайли биз ғўзанинг камсув ва камхаражат технологиясини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Унга мувофиқ ғўзанинг сув сарфи ҳатто эллик фоизгача камайиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатлари кескин қисқаради.

Янги технологияни шарҳлаб бера оласизми?

Ҳали уни ниридан-сиригача ошкор қилиш пайти келгани йўқ. Аммо биз полиэтилен қувурлар орқали томчилаб суғоришга асосланган, Исроил технологиясига ўхшамайдиган технология яратдик. Маълумки, исроилликлар технологияси сув сарфини қисқартиришда катта самара берса-да, лекин жуда қиммат туриши туфайли тез ва кўп қўллашнинг истиқболи камроқ.

Бизнинг усулда қиммат сарф-харажатлар бўлмайди.

Тажриба олиб борилаётган майдонларни айланар эканмиз, қатъий бир фикр хаёлимиздан ўтди: ўлаётган Орол тақдири айнан мана шу далаларда ҳал қилинмоқда! Ўзбекистон бўйича пахтага сарфланаётган сувнинг ўттиз-қирқ фоизини тежаб қолиш қишлоқ хўжалигимиз тараққиётида ўзига хос инқилоб ясаши мумкин.

Тажриба хўжалигида пахта билан бирга ловия, мош, помидор, нўхат экиш юзасидан олиб борилаётган тажрибалар ҳам таҳсинга сазовордир. Хўжаликнинг Умарали Содиқов звеноси далаларида яна бир ҳол диққатимизни тортди. Ғўза пўшталарида ерёнғоқ ўсиб ётибди!

— Арахис, яъни ерёнғоқ энг кўп мой берадиган ўсимликлардан биридир, — дейди академик Муҳаммаджонов. Ҳиндистонда миллионлаб гектар майдонларга экилади бу. «Конизар» илмий-тажриба хўжалигида пахта билан бирга ерёнғоқ етиштириш бўйича муваффақиятли тажрибалар олиб борилянти. Тасаввур қилинг, юз минглаб гектар пайкалларда етиштирилган ерёнғоқни... Бу эл дастурхонига туҳфа қилинадиган минг-минг тонналаб шифобахш мой, демакдир.

Илмий-тажриба хўжалигининг Муҳаммаджон Аҳмаджонов, Кимёхон Мамажоновалар бошлиқ звеноларида ҳам ғўза янги технология асосида парвариш қилинмоқда. Тажрибаларнинг истиқболи порлоқлиги кўриниб турибди. Лекин, афсуски, вилоятлардаги олимларнинг ишларига эътибор кам. Баъзан ҳатто тор, вақтинчалик ёки маҳаллий манфаатлар туфайли бу тажрибаларни давом эттиришга тўсқинлик қилишга уриниш ҳоллари ҳам мавжуд. Қийинчиликларга қарамай, вилоят олимлари фаннинг заҳматли, оғир йўлларидан дадил бормоқдалар.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


## «УРОҚ ТУРК ДОНИШМАНЛИК»

ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Туркия фирмалари билан тижорат алоқалари боғлаш, қўшма корхоналар қуришни истаган, хусусий ширкатлар, давлат ширкатлари, ҳокимиятлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда шахслар**

ДИҚҚАТИГА!

**Сизларда тугатилмаган кичик ёки ўрта ўлчовлардаги завод ва фабрикалар бўлса, қўлингизда тайёр, ҳисоб-китоби қилинган лойиҳа бўлса, ундан ташқари Туркиядан истаган молларингизни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларингизни Туркияга сотишни истасангиз,**

**Сиз ҳеч қийналмасдан «УРОҚ ТУРК ДОНИШМАНЛИК» қўшма корхонасига мурожаат этинг.**

**Ҳар бир иш қурмоқ истаган фирма ва шахслар, ўзингиз ва бажармоқчи бўлган ишларингиз ҳақида бизга маълум қилинг.**

**Сизлар учун Туркиядан ҳамкорликда ишлаш учун шерик топишни «УРОҚ ТУРК ДОНИШМАНЛИК» фирмаси ўз зиммасига олади.**

**Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.**

**Телефон: 68-24-44.**

• *Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?*

# ШАВҚ ЎТИ ЁНСА АГАР...

**НУРОБОД РАЙОНИДА ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ ЯНГИ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ КЎЗГА ТАШЛАНАЁТИР**

**● Пирим Мустафоевни анчадан бери танийман; газета ўқимаса туролмайди, янгиликка ўч, жўшиб яшайди. Атрофидагилар у кишини «ён энциклопедия» дейишади.**

**Таъсис анжуманида ХДП район кенгаши биринчи котиблигига айнан шу одамнинг номзоди кўрсатилиши кўпчилик кўнглидаги гап бўлиб чиқди.**

— Биласизми, партия қуйи бўғинлари раҳбарларида ҳозир дадиллик билан мустақиллик етишмайди, — дейди Пирим ака. — Чунки йиллар давомида юқоридан кўрсатма олиб ўрганиб қолишган. Шунинг учун ҳам «юқоридаги»лар иш ўргатишни, буйруқ беришни яхши кўришади, қуйидагилар эса «катталар нима деяркин», деб қараб тураверишади. Тўғри, иқтисодий танглик бунақа андишаларни бир чеккага суриб қўйишга бир қадар мажбур этди.

П. Мустафоев юқорида ўзи айтган камчиликларга муроса қилолмайдиган инсон. Шу боис у маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб партия кенгаши йўлини белгилашга киришди.

Нуробод — чўлдаги район. Қишлоқлари бир-биридан узоқда жойлашган. Арзимаган гап учун борib келавермайсан киши. Шунинг учун район кенгаши ўзининг икки нафар инструкторини қисқартириб, уларнинг ойлигини хўжаликлар директорларининг маданият ишлари бўйича муовинига берадиган бўлди. Муовинлар эса жойларда сиёсий клублар ишига раҳбарлик қилишади.

Дарвоқе, сиёсий клуб нима? Бу клуб ҳар битта қишлоқ марказида тузилади. Шаҳардаги маҳалла комитетлари билан тенг. Барча жамоат ташкилотлари вакиллари сиёсий клуб аъзолари ҳисобланишади. Шу жумладан ХДП бошланғич ташкилоти котиби ҳам. «Улус» хўжалигида партия ветерани Иван Бузик раҳбарлик қилаётган клубда тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилган. Иван Генрихович ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кенгаши, фахрийлар кенгаши вакиллари ва фаол ўқитувчилар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида мазмунли тадбирларни амалга ошираётир.

Район партия кенгаши эса ана шу клубларга методик ёрдам кўрсатади. Уларни керакли материаллар, маълумотлар билан таъминлайди. Агар лозим бўлса, вилоятдаги нуфузли кишилар билан учрашувлар уюштиришади.

Аъзолик бадалларини йиғиш борасида ҳам районда ўзига хос йўл тутишди. Йирик бошланғич ташкилотларда тўпланган аъзолик бадалларининг 20 фоизи котиб ва унинг ўринбосарига маош сифатида берилади. Аъзолик бадаллари деярли барча бошланғич ташкилотларда пул кўчириш йўли билан тўланаяпти.

Район халқ таълими бошқармасида эса бу ишга бир киши биркитилган. Пардабой Эсонов район партия кенгашининг штатсиз инспектори ҳисобланади. Аъзолик бадаллари тўплашни уюштиргани учун кенгаш унга 200 сўм пул беради. Ҳозир мактабларда ҳам сиёсий клублар тузиш режалаштириб қўйилди. Бу иш ҳам амалга ошса, аъзолик бадаллари йиғишда қийинчиликлар бўлмайди.

Партия фаолиятининг ўтган даврида шаҳар ва район кенгашлари мол-мулкларни бўлиш, ўз иқтисодларини яхшилаш билан овора бўлиб, бошланғич ташкилотларни унутиб қўйишди. Лекин ана шундай пайтда ҳам Нуробод район партия кенгаши қуйи бўғинлар билан ишлашни тўхтатмади. Шу боис бугунги кунда чўл шароитида 50 жойда бошланғич партия ташкилоти ишлаб турибди. Партия аъзолари сони 1,5 мингга яқинлашиб қолди.

Фақат бугина эмас. Район кенгаши партия обрўсини оширишнинг барча усулларидан фойдаланмоқда. Биринчи котиб П. Мустафоев ва халқ ноиблари гуруҳи раҳбари Орол Полвонов район кенгаши депутати. Партия кенгаши ўз таклиф ва мулоҳазаларини сессияларда депутатлар гуруҳи орқали амалга оширишга эришяпти. Бундан ташқари кенгаш ҳокимият билан узвий алоқада. Ҳар бир масала бир-бирларининг маслаҳати ва тавсияси билан рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, район ҳокими Сирож Холбозоров кенгашнинг кўпгина йиғилишларида иштирок этади. У ёки бу лавозимга кадр қўйишда албатта партия кенгаши билан маслаҳатлашаяпти. Айниқса мафкура муассасалари раҳбарларини танлашда кенгашдан бевосита маслаҳат сўрашни канда қилмаётир.

— Биз бу масалада ҳам янгилик қилган эдик, — дейди Пирим ака. — Биринчи таъсис конференцияда партия фахрийси Нурмамат Элбоевнинг таклифи билан район ҳокими С. Холбозоровни район партия ташкилоти раиси этиб сайлаган эдик. Конференциянинг барча вакиллари бу фикримизни маъқуллади. Лекин вилоятдан ҳалигача ушбу қаророримизнинг тасдиғини олганимиз йўқ. Менимча, ҳудудий раисларнинг ҳеч қандай зарарли томони йўқ. Аксинча у партия обрўсини оширишга хизмат қилади.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

МУСТАҚИЛЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

## СИМСИЗ АЛОҚА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

**● Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги мутахассислари АҚШнинг «Интернейшнл коммуникейшн групп» фирмаси билан ҳамкорликда жумҳуриятимиз пойтахтида жаҳон телекоммуникация тизимидаги энг сўнгги ютуқ—симсиз алоқани йўлга қўйдилар.**

Эндиликда корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, хусусий шахслар хоҳ автомобилда бўлсин, хоҳ ишхона ёки уйда бўлсин, исталган пайтда махсус телефон аппарати орқали зарур абонент билан бир зумда боғланишлари мумкин.

Ушбу уяли автоматик қурилма мижозларга яна бир қатор қулайликлар туғдиради: дейлик, чақириқ манзилини автоматик тарзда ўзгартириш, маҳаллий ҳамда халқаро алоқа тизимлари орқали сўзлашувлар олиб бориш имконини беради. Ҳозирча уяли алоқа тармоғидан фойдаланиш фақат эркин алмашадиган валютага эга бўлган мижозларга насиб этмоқда. Келажакда эса хизмат ҳақини сўмларда олиш ҳам кўзда тутиляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз: янги АТСни қуриш учун ҳар икки томон 4,8 миллион доллар сарфлади. Шартномага кўра, уни ишлатишдан тушган даромаднинг кўпроқ қисмини жумҳуриятимиз алоқачилари оладиган бўлишди.

**А. ОРТИҚОВ.**

**СУРАТДА: Самарқанд «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси ўровчиси Сайёра Ризоева. У 16 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилади. Смена нормасини ҳамиша ортиғи билан адо этади. Айниқса, сифат кўрсаткичларини яхшилаб боришга алоҳида эътибор бериб, ҳар куни 40 фоиз ўрнига 45 фоиз маҳсулотни 1 навга топширмоқда.**

**Ғ. АЛИЕВ** туширган сурат.

• *Бозор иқтисодиёти билан юзма-юз*

# АҲВОЛНИ ЎНГЛАШ МУМКИНМИ?

**«МУМКИН, АММО БУ БИЗГА БОҒЛИҚ ЭМАС», ДЕЙИШМОҚДА ФАБРИКА РАҲБАРЛАРИ**

**● Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси—вилоятдаги энг кекса саноат корхоналаридан бири. У ўзининг маҳсулотлари билан хорижий мамлакатларда ҳам танилган. Бу ерда тўқилган гилам, дўппи, сўзаналар кўпгина халқаро ярмаркаларда намойиш этилган. Айни пайтда ҳам фабрика жумҳурият саноат корхоналари ўртасида ўз ўрнига эга.**

Кеийнги йилларда фабрика ҳаётида катта ижодий ўзгаришлар рўй берди. 1928 йилда ҳунармандчилик артели сифатида ташкил топган бу корхона ҳозир янги замонавий, ҳамма қулайликларга эга бўлган кўп қаватли бинога кўчиб ўтган. Бу ерда қўшимча цехлар очилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари кўпайди. Ишчилар малакаси ошди. Ҳозир корхонада 2,5 минг киши меҳнат қилади. Шунинг қарийб 2400 нафари хотин-қизлардир. Улар гилам, дўппи тикувчилик, тўқувчилик, бўёқчилик, бичиқчилик каби цехларда ишлашяпти.

Муштарий сарлавҳани ўқибоқ: «Фабрикага нима бўлибди, унда аҳвол чатоқ экан-да?», деган хулосага келиши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Аҳвол яхши. Раҳбарлар ҳам, жамоа ҳам иноқ ва аҳил. Режалар ошиғи билан бажарилмоқда. Фақатгина ҳозирги иқтисодий танглик, бозор иқтисодиётига ўтилаётганлиги сабабли хом ашё етишмаслиги, товарларнинг нархи қимматлашиб кетганлиги умумий аҳволга бирмунча салбий таъсир этяпти.

Лекин шунга қарамай, бирон кун ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ. Жойлардаги кўплаб йирик саноат корхоналаридагидек юзлаб ишчиларга вақтинчалик жавоб бериб юборилган ҳам эмас. Аксинча, раҳбарлар, мутахассислар бор имкониятларни ишга солмоқдалар, ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантирмоқдалар. Ишни бир меъёрда олиб бориш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Бу эса яхши самаралар бераётир.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги рақамларга эътиборингизни жалб қилмоқчиман: 1992 йилнинг ўтган ойларида режадаги 10 миллион 440 минг сўмлик ўрнига 15 миллион 157 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу, 145,2 фоизга тўғри келади. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 141,2 фоиз бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 63,6 фоиз ошган.

Хўш, кўрсаткичлар шундай экан, гап нимада? Нега аҳволни ўнглаш зарур бўлиб қолди? Биз шу саволлар билан фабрика раҳбарларига мурожаат қилдик. Улар қуйидагича жавоб беришди.

**Толмас Азимов, фабрика директори:** — Аҳволни ўнглаш мумкин. Аммо бу бизга боғлиқ эмас. Бунга асосий сабаб хом ашёнинг етишмаслиги ва қимматлигидадир. Биз хом ашёни асосан Россия шаҳарлари ва қўшни жумҳуриятлардан оламиз. Лекин жуда қиммат, уни ҳам ўз вақтида ололмаймиз. Масалан, 1 килограмм ипакни илгари Красноярскдан 8 сўмдан олар эдик. Ҳозир у 265 сўм билан келяпти. Бир килограмм гилам арқоғини Ярославск шаҳридан 245 сўмга оляпмиз. Бошқа хом ашёларнинг нархи ҳам шундай.

Тикувчилик цехимиз эса хом ашёнинг ўз вақтида келмаслиги сабабли бир меъёрда ишламаяпти. Аввал бир дона гилам 6 минг сўмга ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир унинг нархи 11 минг сўмга тўғри келяпти. Чунки бир квадрат метр гилам тўқиш учун олдин 124 сўм ҳаражат қилинган бўлса, ҳозир 680 сўм сарфланяпти. Бир дона ироқи дўппи аввал 3 сўм 50 тийин бўлса, ҳозир 51 сўм 70 тийинга баҳоланмоқда. Сабаби, унинг ипаги ҳам, калаваси ҳам жуда қиммат. Бунинг устига маҳсулотларга 30 фоиз солиқ ҳам бор. Молия бўлими томонидан ҳар квадрат метр камёб товарга деб 250 сўмдан нарх ҳам қўйилади. Ваҳолонки, бизда ҳамма иш қўлда бажарилади. Лекин бу ҳисобга олинмаяпти. Биз бу ҳақда жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлигига бир неча марта ёзма ва оғзаки мурожаат қилдик. Афсуски, ҳозиргача бу ҳақда бирор ижобий ўзгариш йўқ.

— Яна энг ачинарлиси шундаки, — дейди куйиниб Т. Азимов, — биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар қимматлиги сабабли улар сотилмаяпти. Савдо ташкилотлари биздан ҳозиргача 9 миллион сўм қарздор. Бу эса ишчиларнинг ойлик маошларига жиддий таъсир қиляпти. Ҳамма нарса қиммат бўлган ҳозирги кунда фақатгина гилам тўқувчиларнинг ҳар бири ойига минг сўмдан, бошқа цех ишчилари эса 600—700 сўм атрофида маош олишяпти.

— Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак?

— Аввало кўп, арзон ва сифатли хом ашё зарур. Бунинг учун мустақил республикамизда хом ашё тайёрлайдиган корхоналарни кўпайтириш керак. Қўл меҳнатини ҳисобга олиб, солиқлардан, устама нарх қўйишдан воз кечиш ёки уни камайтириш лозим. Энг муҳими, маҳсулотимизни жаҳон бозорига чиқаришимиз, валютага сотишимиз даркор. Бунинг учун эса биринчи навбатда сифат ва яна сифат керак.

**Саодат Васиева, бош муҳандис:** — Биз шундай қийин шароитда ҳам барча цехларнинг, машина ва ускуналарнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш, хом ашё келтириш, ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга маданий-маиший шароитларни яратиб бериш учун зарур тадбирларни кўряпмиз. 1991 йилнинг декабрь ойидан бошлаб иш ҳақи сақланган ҳолда беш кунлик иш ҳафтасига ўтдик. Ойлик маошлар ҳар ойда бериб бориляпти. Иккита боғчамиз бор.

Ҳар бир болага 8 сўм тўлаш керак бўлса, унинг 3 сўмини ота-онаси, 5 сўмини фабрика тўлайди. Ҳар бир ишчининг овқат пулига корхона ҳисобидан 5 сўмдан қўшиб беряпмиз. Ишчиларимизга фабрикада тўлиқ шароитлар яратилган. Дам олиш хонаси, сауна (буғ ҳаммом), медпункт, ошхона, новвойхона, магазин, кийим тикиш цехи, тиш даволаш хоналари ишлаб турибди.

Бизда маҳсулотлар асосан қўлда тайёрланиши тикув дастгоҳларини янгилашни тақозо этади. Фабрикамизда ярим механизациялашган тикувчилик цехи, сўзана, чизма тикадиган машиналар ҳам бор. Аммо уларнинг бенуқсон ишлаши учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ёмон аҳволда. Машиналар учун керакли асбоблар, қисмлар топилмайди. Топилганда ҳам жуда қиммат. Мутасадди ташкилот — вилоят моддий-техника таъминоти ташкилоти бизни эҳтиёт қисмлар билан таъминлай олмаяпти. Бунинг оқибатида мавжуд машиналар тўлиқ ишламаяпти.

Фабриканинг ўзида валюта ҳисоби очилди. Энди маҳсулотни четга сотиб, валютага хом ашё, эҳтиёт қисмлар олиш мумкин. Бироқ, Толмас Тешаевич айтганидек, чет эллик мижозларга маҳсулотни манзур қилиш осон эмас. Фақат уларга сифатли маҳсулот керак. Яқинда Исроил давлати бизга гилам буюртма берди. Уларга ўзимизнинг ҳозирги ҳажмдаги катта гиламлар керак эмас экан. Бўйи 1 метр 80, эни 1 метр 20 сантиметрлик гиламчалар тайёрлаб беришни сўрашди. Биз роби бўлдик. Ана шундай ҳажмдаги гиламчаларни тайёрлаб қўйдик.

Фикр-мулоҳазалардан билиниб турибдики, олдинги шуҳратни тиклаш, ишни бир меъёрда ташкил этиш, ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун кўпгина амалий тадбирларни кўриш керак. Бу. албатта, тегишли ташкилотларнинг ёрдамларига боғлиқ.

Биз ишчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг чеҳрасидан ва сўзидан эртанги яхши кунларга умид ҳамда ишонч туйғуларини уқдик. Кенг ва ёруғ цехларда қўли гул ишчилар завқ-шавқ билан меҳнат қилишяпти.

**Қ. БЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

## БИЗГА ЁЗАДИЛАР

МАРҒИЛОНЛИК ДЎКОНДОР АНВАРЖОННИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

**● У Фарғона вилоятида биринчи бўлиб Марғилон шаҳар саноат моллари савдо идорасига қарашли 4-магазинни ижарага олиб ишлади.**

Йил бошида эса Анваржон Мирзаев жумҳуриятда биринчи бўлиб шу магазинни сотиб олди. Болтиқ бўйи давлатлари, Наманган — Америка қўшма корхонаси билан битим тузиб, эркак ва аёллар уст-бошларини олиб келиб, харидорларга таклиф этмоқда. Ютуқлар ёмон эмас. А. Мирзаев савдо аълочиси, Марғилон шаҳар кенгаши депутати, ХДП аъзоси. Чорчинор маҳалласига болалар поликлиникаси қуриб берди. Хайрлигаз маҳалласи масжидига катта маблағ ажратди. Қабристонни ободонлаштиришга кўмаклашди, жума намозига келувчиларни масжидга келиш ва кетишлари учун машина ҳақларини тўлаб қўйган. Марғилон ногирон болалар уйига 10 минг сўм ёрдам пули ўтказди. «Мен қийинчилик билан ўсдим, ота меҳрини билмадим. Етим ва камбағалларга ёрдам қилсам, ўзимни бахтиёр, деб биламан», деди Анваржон.

**Абдулҳаким АҲМЕДОВ.**

УЗУН СОЧНИНГ СИРИ

**● Косонсойлик ака-ука полвонлар Икромжон ва Исломжон Қаюмовлар илон ўйнатишади. Жавлонбек эса ҳозир 4 ёшда. Улар бир неча илонларни «жиловлаб» олиб, минг куйга ўйнатишади. Қаюмовлар томошаларн кексаю ёшда катта қизиқиш уйготади.**

Аммо, Икромжон билан Исломжон машҳур футболчи Гуллит каби сочларини елкаларигача ўстириб юришларидан кўпчилик таажжубланади.

— Биласизми, — деди Икромжон, — илонлар бизни бошқалардан ажратиб олишлари учун соч ўстириб юришга мажбур бўлганман.

Соч ўстириб юришнинг яна бир сири бор экан. Косонсой марказида кўрсатилган навбатдаги томошада шу нарса ойдинлашди.

У елкасига сочилиб турган сочини эшиб, бир учини арқонга боғлаб, «Жигули» автомашинасини бир қанча масофага тортиб бориб ўт олдирди. Шу ерда у ўзида пайдо бўлган кучли биомайдон орқали даволаш қобилиятини ҳам намойиш этди. Кейин беш метрча узунликдаги йўғон Амазонка илонларини елкаси узра кўтарди. Ўғли Жавлонбек эса, уларни ўйнатганда шаҳар боғига йиғилганларнинг қарсаклари узоқ давом этди.

Ҳамма бир овоздан: «Балли Икромжон—Исломжон—Жавлонбек!» — дейди.

Мана сизга, сочнинг сири нимада экан.

**Турғунбўлат СУЛАЙМОНОВ.**

## ШИНГИЛ ХАБАРЛАР

**● Навоий шаҳрида Югославия ускуналари билан жиҳозланган новвойхона ишга тушди.**

Йигирма киши ишлайдиган бу корхонада ҳар куни 30 тонна ундан нон ёпилади. Маҳсулот буюртмага кўра жойига етказиб берилади. Бу республикамизда шу хил тўртинчи корхонадир. Уларнинг иккитаси Тошкентда, биттаси Қаршида ишлаб турибди.

**● Қашқадарё вилоят ҳокимининг қарори билан бу ердаги бир қанча хўжаликларнинг номи ўзгартирилди.**

Масалан, Чироқчи туманидаги Ильич номли давлат хўжалиги «Оқчева», «Восход» давлат хўжалиги «Бешчашма», Қамаши туманидаги Фрунзе номли давлат хўжалиги «Лангар», Яккабоғ туманидаги Будённий номли йилқичилик заводи «Ҳисор» деб аталадиган бўлди. (ЎзА).

• *МУШТАРИЙ ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ...*

# ЙЎЛИМИЗ ҚИЙИН, АММО ИСТИҚБОЛЛИ

**● Қарийб бир йилдирки, жумҳуриятимиздаги барча эзгу ниятли кишилар қалбида қувонч, дилида сурур. Ахир севинмай бўладими! Ажойиб тарихга эга бўлган, башариятга етук алломаларни тортиқ этган, табиати сўлим, тупроғи зар, бойлиги беқиёс юртим ўз мустақиллиги йўлида дадил одимламоқда. Йиллар мобайнида озодликка талпинган, курашган бу йўлда жон фидо қилган, шаҳид кетган табаррук кишиларнинг авлодлари ниҳоят чинакам истиқлолга эришди.**

**Бир йил кўҳна тарих учун бир лаҳзадек гап. Аммо ана шу ғоят қисқа вақт жумҳуриятимиз раҳбарияти хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўриб тутган сиёсати, саъйи ҳаракати туфайли йиллар бўйи орзу бўлиб келган мақсадга эришдик. Бу меҳнаткашлар орасида ўз эътирофини топмоқда. Буни рўзнома таҳририятига келиб турган хатлардан ҳам кўрса бўлади.**

— Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, — деб ёзади тошкентлик Латофат Муҳаммаджонова, —жаннатмакон юртим халқи ўз ерига, бойлигига ўзи эгалик қиладиган бўлди. Ҳақиқий мустақилликни қўлга киритди. Лекин тарихдан маълумки, ҳеч бир халқ ўз мустақиллигига биздек тинч, осойишта эришган эмас.

Бизда қон тўкилмади. Бу бахтимиз. Ҳозир бир-биримизга гина-кудрат қиладиган, майда-чуйда масалалар хусусида талашадиган вақт эмас. Ҳаммамиз бирлашсак, юрт фаровонлиги, миллатнинг ҳақиқий истиқлоли тезроқ рўёбга чиқади. Шунинг учун ҳозир ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳалол ишлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, муштарий таъкидлаганидек, ҳозирги мураккаб шароитда фақат бирдамлик, ҳамкорликкина тараққиётимизни тезлатишга, пировард мақсадга илдамроқ етишишимизнинг бирдан-бир гаровидир.

Ҳозир жумҳуриятимизда турли партиялар, ҳаракатлар, оқимлар анчагина. Уларнинг ўз олдига қўйган мақсади билан танишган киши ниятларнинг эзгулигини тушуниб етиши қийинмас. Бироқ эзгу ниятнинг ўзигина камлик қилади. Унга эришиш йўллари қандай, ҳаракат услуби нимага асосланган. У яқин келажакда ва истиқболда нима беради, одамлар шу ҳақда билишлари муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда сирдарёлик ўқитувчи Амакбой Кўчаровнинг: «Ҳозир иқтисодчи, сиёсатчи олимлар турли партиялар, ҳаракатларнинг дастурларини чуқур ўрганишсин, таҳлил этишсин, ишончли, асосли хулосалар чиқарсинлар. Дастурларнинг ўзига хос томонлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида халққа холисона тушунтириш бермоқлари лозим. Одамлар нима яхши-ю, нима ёмон фарқига боради», деган сўзларида жон бор.

Партиялар, оқимлар жипсликда, муштарак мақсадлар сари интилса, бу йўлда бир-бирига тўсиқ эмас, йўриқ берса, айрим камчилик ва нуқсонларни дўмбира қилиб, фожеа даражасига етказмасдан, ҳолисанлило кўрсатиб берса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Буни ривожланган мамлакатлардаги партияларнинг тажрибасидан кўриш мумкин. Зеро, жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов Хельсинкидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида сўзлаган нутқида бунга алоҳида урғу бериб:

«Мустақил Ўзбекистон бир идеологиянинг, бир партиянинг ҳукмронлигини, буйруқбозлик-маъмуриятчилик, тақсимотчилик тизими асосига қурилган иқтисодни рад этиб, ўзбек халқининг ҳам, Европа ва бошқа қитъалар халқларининг ҳам тарихий тараққиёт тажрибасини ўйлаб равишда бирга қўшадиган йўлни танлаб олди», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тўғри биз катта ютуққа эришдик. Яъни мустақилликни қўлга киритдик. Лекин истиқлолнинг том маъзорбой Аҳмедов ёзади:

— Ҳурматли таҳририят, кейинги пайтда дўконларда моллар бирмунча кўпайди. Айниқса, тижорат дўконларини айтмайсизми?! Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Лекин уларнинг нархи осмонда. Шундай бўлса-да бу дўконлар кунига бир неча юз минглаб сўмлик савдо қилишяпти.

Бундан халқимиз бойиб, уларнинг харид қилиш қуввати ортган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳали аҳолининг турмуш даражаси паст. Чўнтагида пули оз. Савдонинг асосий қисми бошқа чет давлатлардан келган кишилар ҳисобига кўпаймоқда. Улар учун, хусусан, Россиядагилар учун Ўзбекистон арзон бозор ҳисобланади. Ўзимиз учун эса қиммат бозор.

Чунки, Россиядагиларнинг бир қисми ўттиз-қирқ ҳатто эллик минг сўмлаб маош олади. Шунча маош олганларга тижорат дўконларидаги молларни сотиб олиш чўт эмас. Шунинг учун ҳам дўконларда савдо кўпайиб, ўзимизга тегишли моллар четга чиқиб кетмоқда. Бунга ишончли тўсиқ солишнинг бирдан-бир йўли ўз пулимизни чиқаришдир. Уни қанча тез чиқарсак, жумҳуриятимиз аҳолисига тегишли маҳсулотларни олиб қолишга кўпроқ имкон яратган бўламиз.

Собиқ Иттифоқнинг гарқаб кетиши кўплаб иқтисодий алоқаларнинг чокидан сўкилиб кетишига олиб келди. Ишлаб чиқариш саноатининг ривожланмаганлиги, кўплаб моллар нинг четдан келтирилишининг тўхтаганлиги аҳоли гурмушининг ночорлашувига сабаб бўлди. Бироқ Президентимиз ҳам, ҳукумат ҳам одамларнинг ижтимоий ҳимояланишига катта эътибор беряпти. Бу борада Фармонлар чиққанини ҳаммамиз яхши биламиз. Халқ уларни мамнунлик билан кутиб олди.

Лекин уни амалга ошириш баъзи вилоят, районларда суст амалга ошириляпти. Мана бу мактуб бунга мисол бўлиши мумкин:

«Ҳурматли рўзнома ходимлари, — деб ёзади Чироқчи районидан ўн бир фарзанднинг онаси Зубайда Суярова. Биз оилада 15 жонмиз. Уч киши ишлайди. Топганимиз ейиш-ичишга зўрға етади. Лекин болаларим билан мол-ҳол қилишимиз мумкин. Шуни назарда тутиб, Ильич номли давлат хўжалигидан қарз олиб, мол боқяпмиз. Сут ва гўштни хўжаликка топширяпмиз.

Аммо молларни боқиш учун ем-хашак етишмайди. Ҳозир оиламиз билан фермер хўжалиги ташкил этдик. Лекин ем-хашак етиштириш учун ер ололмаяпмиз. Техника берилмаяпти. Эски бир юк машинасини хўжаликдан олган эдик. Эҳтиёт қисм йўқлигидан юргиза олмаяпмиз. Районга ,вилоятга қатнайверib қанчадан-қанча пулимиз, вақтимиз бекор кетди.

Бу ҳам етмагандек машинани ҳужжатлаштириб олишнинг иложи бўлмаяпти. Қашқадарё вилоят агросаноат қўмитаси раиси ўртоқ О. Гуловга қатнайверib чарчадим.

Дарҳақиқат, фермер хўжаликларини ривожлантириш уларга ҳар томонлама кўмак бериш орқали эл дастурхонига барака киритишга катта аҳамият берилаётган бир пайтда вилоят айрим раҳбарларининг ишига тушуниш қийин. Бундай йўл тутиш билан Президент қарорларининг бажарилиши ва самара беришига одамларда шубҳа туғдириб қўйиш мумкин.

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида озгина фойдали тадбир, дадил ҳаракат одамларнинг кўнглини кўтариши, аксинча, озгина тўрачилик, масъулиятни ҳис қилмаслик, эски, сийқаси чиққан йўриқномаларга ёпишиб олиш, фаолиятсизлик келажакка ишончни сўндиради.

Шунинг учун ҳам ҳар ким ўзига топширилган вазифани ҳалол, виждонан бажариши, юқоридан топшириқ, буйруқ кутмай, дадил ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги шароит излаш, қидириш, эл манфаати йўлида елиб-югуришни тақозо қилмоқда.

Аммо шундайлар борки, виждон деганда жиғилдонни тушунадилар. Мамлакат тақдири, халқ ҳаёти уларни қизиқтирмайди.

«Отанг бозор, онанг бозор» сарлавҳали мақолангизни ўқиб, мен ҳам дилимдагини ёзишга қарор қилдим, — деб ёзибди Тошкентлик Н. Қўчқоров.

Гўшт олиш учун «Олой» бозорига бордим. Навбат кутиб тургандим олдимда турган рус аёли сотувчидан бир килограмм гўшт беришни сўради. Тарозидаги суяги кўп гўштни кўриб эътироз билдирди. Сотувчи эса, хоҳласанг шу, хоҳламасанг йўқ деб бошқа киши билан мулоқотга киришди.

Мен сотувчига бундай қўпол муомала қилмаслик ҳақида тушунтирмоқчи бўлсам.

— Э, амаки, ўриснинг ёнини олманг, яхшиси гўшт-олиб кетаверинг. Кейин бизнинг ишимизга аралашманг, — деб жеркиб берди. Уч килограмм гўшт беришни сўрадим. Гўштни қўйиб, тарозининг у палласига яна кичкина тош ташлади.

Уйга келсам, гўшт назаримда камроқ туюлди. Тортиб кўрсам 2 килограмм 200 грамм экан. Гўштни кўтариб, дўконга бордим. Мудир йўқ экан. Гўштни қайта тортишни сўрадим. Ёнидагиси тортиб, энди ёш бола-да, янглишган, ҳеч-киси йўқ, дейди.

Қарийб бир килограмм гўштни уриб қоласизлару ҳеч-киси йўқми? Инсоф борми? деганимни биламан, «уракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб кетишди. Ҳам бўйидан, ҳам энидан урса, одамларнинг беобрў қилиб ҳақоратласа, ўзга миллатларни назар писанд қилмаса, бу қандай бедодлик! Уларнинг бу ҳатти-ҳаракатини назорат қиладиганлар борми?».

Ҳа, жумҳуриятимизда ҳаёт осойишталик билан давом этяпти. Ур-йиқит йўқ, деяпмиз. Илоё доим шундай бўлсин, Аммо одамларга юқоридагидек муносабат давом этаверса, учқундан аланга чиқиши мумкин. Бунга йўл қўймасликнинг йўлларидан бири хизмат соҳасида, аввало савдода тартиб ўрнатиш керак. Меҳнаткашларнинг шикоятлари эътиборсиз қолмаслиги, ҳар бир ножўя ҳатти-ҳаракат жазосиз қолмаслиги лозим.

Юқорида айтганимиздек, мустақиллик эълон қилинганига эндигина бир йил бўляпти. Халқимиз истиқлолга катта умид боғлаган. Ўз бахтини истиқлолда кўрмоқда. Бироқ ҳали уни амалда рўёбга чиқаришимиз лозим.

Кўриниб турибдики, чинакам мустақил, ҳар томонлама ривожланган, инсоннинг эркин, самарали меҳнат қилиб, ўз меҳнати мевасидан ўзи кўпроқ баҳраманд бўлиши учун кўп муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Тўғри, буларни бир лаҳзада тугатиб бўлмайди. Қийин ва шарафли вазифа.

Бироқ йўлимиз қийин бўлса-да истиқболли. Истиқболга эришиш эса ҳаммамиз, ҳар биримизнинг ғайратимиз, шижоатимиз, дадил ҳатти-ҳаракатларимиз, ҳалоллигимиз, унумли меҳнатимиз, омилкорлигимизга боғлиқ.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар бўлими мудири.**

Уйчи районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида ер олиб, деҳқончилик қилаётганлар талайгина. Шулардан бири Ҳ. Нурматов бўлади. У айни кунларда бир ярим гектар майдондаги ғўзаларга ишлов бермоқда. Суғориш, озиқлантириш ишлари ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли ниҳоллар баравж ўсмоқда. Пудратчининг нияти бу йил хирмонга беш тонна пахта топшириш.

СУРАТДА: Ҳ. Нурматов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

## • МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

# БИРЖА НИМА УЧУН КЕРАК?

БУГУНГИ кунда энг кўп биржалар Тошкент шаҳрида ташкил топяпти. Бу табиий албатта, чунки биржалар учун керакли шароит (алоқа воситалари, кадрлар, товарлар) катта шаҳарларда анча яхши. Биржалар деярли барча вилоятларнинг марказларида ва бир қанча катта шаҳарларда, яъни Навоий, Олмалиқ, Чирчиқ каби шаҳарларда ташкил қилинган. Улар фаолиятини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, биржа бу савдо ишларини олиб бориш учун махсус жиҳозланган жойдир. Ҳақиқатан ҳам амалда бу шундайми? Тўлалигича шундай эмас.

**БИРЖА НИМА УЧУН КЕРАК?** Усиз ҳам савдо ишлари олиб бориш мумкин эмасми? Маълумки, режа асосида хўжаликни юритиш даврида энергия, ёқилғи, материал, хом ашё, ускуна ва бошқалар билан кўтара савдо асосан Давлат моддий-техника таъминоти қўмитасининг ташкилотлари томонидан олиб борилган. Улар товар ишлаб чиқарувчи ва товар истеъмолчилари ўртасида воситачилик вазифасини бажарар эдилар. Шундай қилиб, моддий-техника ресурсларини тақсимлашда маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизим вужудга келган эди. Бундай шароитда истеъмолчи корхоналарда моддий-техника етказиб берувчиларни ўзгартириш, уларни ўз хоҳишларига қараб танлаб олиш ҳуқуқи мутлақо йўқ эди. Бу — моддий-техника таъминотида яккахокимлик тизими бўлиб, улар билан савдолашиш ва керакли шартларни аниқлаш учун музокара олиб бориш имконияти йўқ эди. Нима берилса, қанча берилса, ёқадими-йўқми, индамай олишга мажбур эди. Етказиб бериладиган ресурсларга нархни давлат белгилар эди. Баҳо масаласида ҳам талашиб-тортишишга ва қандайдир эътирозларга ўрин йўқ эди. Бозор иқтисодиётининг муҳим қоидаларидан бири бу — товар ишлаб чиқарувчилар ва товарни истеъмол қилувчилар орасидаги муносабатлар эркинлиги ва эркин нарх-наво белгилашдир. Биржа худди ана шу товар ишлаб чиқарувчилар билан товар истеъмол қилувчилар орасидаги эркин муносабатларни ўрнатадиган жойдир. Бундан ташқари, биржалар бозор иқтисоди шароитида жуда муҳим вазифаларни бажарадилар. Чет мамлакатларда ҳозирги замон биржалари учун товарларни сотиб олиш ва сотиш ишлари биринчи даражали масала ҳисобланмайди. Бугунги кунда биржалар учун энг муҳим масала бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: товарларнинг келгусидаги баҳосини белгилаш ва баҳолаф ошкоралигини таъминлаш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, баҳоларни ўзгартиришдан суғурта қилиш.

### БИЗДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН БИРЖАЛАР ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРЯПТИЛАР?

Шуни айтиш керакки, биздаги биржалар асосан кимошди савдосини олиб борадилар, яъни ким кўп тўласа, товарни шу харидор сотиб олади. Савдо жараёни биринчи галда белгиланган нархдан юқорига ошиб боради. Бу бир ёқлама нархни ошириб бориш жараёнидир. Ҳозирча бизнинг биржалар талаб билан таклифни мувофиқлаштирадиган механизмга айлана олмадилар. Бу жиҳатдан улар товар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаяптилар. Биржалар ҳозирги вақтда меҳнатсиз даромад оладиган манбага айланиб қолдилар. Ундан ташқари, биржалар моддий бойликларни яратиш жараёнида иштирок этмаган ҳолда яратилган қийматларни сунъий равишда зўр бериб оширадиган сабабга айланиб қолдилар. Товарларга энг юқори нарх ҳозир яна шу биржаларда. Биржаларда нарх ҳатто, чайқов бозоридан ҳам бирмунча юқори, шунинг учун ҳам Россияда биржалар чиқарган акциялар пастга тушиб боряпти ва ҳатто бир неча биржа инқирозга учраб, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ўзбекистонда биржаларнинг касони ортяпти, маҳсулот эса майиб боряпти. Кам маҳсулот кўп сонли биржалар орасида тақсимланиб, майдаланиб кетиб, нархнинг зўриқиб ошиб кетишига сабабчи бўляпти.

Чет эл биржаларида дон, қора мол, материаллар, хом ашё, автомобиль, нефть ва нефть маҳсулотлари, ўғит, металл ва бошқа маҳсулотлар билан кўтара савдо олиб борилади. Кундалик истеъмол буюмлари билан бўладиган савдо асосан дўконларда ва бозорларда чакана нархларда олиб борилади. Бизнинг биржаларда халқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар: қишлоқ хўжалик, саноат, қурилиш маҳсулотлари, озиқ-овқат ва бошқалар билан савдо-сотиқ олиб борилади.

Чет эл биржалари бир бирлари билан алоқа воситаларининг барча турлари: телефон, телеграф, телевизион алоқа билан боғланганлар. Улар бир-бирлари билан биржа фаолиятига оид барча хабарлар билан алмашиб турадилар. Агар бирор биржада талаб таклифдан ортиб кетса, шу заҳотиёқ таклиф талабдан ортиқ биржалар ҳисобига ўтказилиб, талаб ва таклиф орасидаги мувозанат тикланади. Биржалар орасидаги алоқалар уларнинг имкониятини бирмунча кенгайтиради. Умуман барча биржаларда таклиф талабдан бироз ортиқ бўлади. Барча мамлакатларда талаб ва таклиф мувозанатда бўлиб, бу ҳол биринчидан, иқтисоднинг муқобиллигидан далолат берса, иккинчидан, нархларнинг муқобиллигидан далолат беради. Шу туфайли биржалардаги нархлар ҳам биздагига ўхшаб бирдан кўтарилиб, бирдан пастга тушмайди.

Баҳо ўзгариши асосан талабнинг қондирилишига боғлиқ бўлиб, бирор биржада товарларнинг келуви бирдан камайиб кетса ёки кўпайиб кетса, шунга қараб ошади ёки пасаяди. Масалан, жаҳон пахта толаси бозорига Ўзбекистон толаси кўплаб чиқарилишидан олдин толага талаб ва таклиф мувозанатда бўлиб, нархи ҳам муқим бўлган ва тахминан 1800—2200 доллар атрофида бўлган. Ўзбекистондан пахта толасини жаҳон бозорига кўплаб олиб чиқиш натижасида талаб ва таклиф орасидаги мувозанат бузилиб, нарх ҳозирги кунда 1100—1200 долларга тушиб кетган. Чунки таклиф талабдан бирмунча устун бўлиб қолган. Шунинг учун жаҳон бозорига ҳам бирдан кириб бормасдан (ундаги мувозанатни бузиб), балки маълум сиёсатга риоя қилиб, вазиятни, нарх-навони ўрганиб, қулай пайтни пойлаб кириб борилса, бизга ҳам, ўзгаларга ҳам зарар бўлмайди. Тушиб кетган нархни қайтиб аввалги даражасига кўтариш учун анча иш қилишга тўғри келади. Жаҳон бозорига қутилмаганда кириб бориб, ундаги талаб ва таклиф ва нарх-наво мувозанатини бузиб юборишни одатда қўпорувчилик, яъни диверсия дейилади. Диверсиянинг оқибати шу муайян бозорда маҳсулот сотувчи барча мамлакатларга таъсир этади. Чет мамлакатларда биржа бу талаб ва таклиф орасидаги муносабат даражаси аниқланадиган жой. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эътибор билан биржалардаги талаб ва таклиф орасидаги ўзгаришни кузатиб бориб, таклифни бошқариб, тартибга солиб борадилар. Бизда ҳам биржалар талаб ва таклиф орасидаги муносабатларни ўрнатадиган механизмга айланишлари учун республикада ишлаб чиқариладиган ва биржаларда сотишга мўлжалланган маҳсулотларнинг кўп қисми биржаларда сотилиши керак. Ҳозирда эса биржаларда ялпи маҳсулотнинг 15—20 фоизигина сотилади. Бундай аҳвол товарларни давлатдан биржага, яъни қўлдан-қўлга ўтказиб савдогарчилик қилишни ва меҳнатсиз даромад топишни авж олдириб юборади. Аслида шундай бўлаяпти ҳам.

**БИЗ ЮҚОРИДА ҚАЙД ҚИЛДИККИ, БИРЖА ТОВАРЛАРНИНГ ИСТЕЪМОЛ НАРХИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ЖОЙ ДЕБ. БУ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?** Одатда чет эл биржаларида товарни сотувчи брокер энг юқори нархини ва сотиш мумкин бўлган нарх даражасини эълон қилади. Олувчи брокер эса энг паст нарх ва олиши мумкин бўлган юқорироқ нархни эълон қилади. Бу иш биржа савдолари бошлангунга қадар, савдога тайёргарлик қўриш борасида олиб борилади. Биржа савдо қоидаларига кўра нархнинг пасайиши ва кўтарилиши даражаси олдиндан белгилаб қўйилади. Савдо жараёни олувчи ва сотувчи брокерлар орасида олиб борилиб, сотувчи юқоридан пастга, олувчи пастдан юқорига қараб нархни кўтариб боради. Савдо жараёнида бир томондан баҳо пасайтирилиб, иккинчи томондан кўтарилиб, шундай нарх даражаси белгиланадики, шу нархга сотувчи сотишга, олувчи олишга рози бўлиб шартнома тузилади. Шу икки томон, яъни олувчи ва сотувчи томонидан белгиланган нарх икки томонни ҳам қониқтиради. Икки томон ҳам шу нархдан манфаатдор бўлади. Ҳеч бир томон ҳам ё қиммат олдим, ё арзон сотдим демайди. Ана шу нарх товарнинг шу биржадаги ҳақиқий истеъмол қиймати бўлади. Олди-сотди жараёнида белгиланган нарх шу заҳотиёқ эълон қилинади ва хабар тарқатувчи ташкилотларга (радио, ойнаи жаҳон, рўзномаларга) юборилади. Биржаларда нарх-наво ҳамма вақт ошкора белгиланади. Ошкора савдо туфайли аниқланган баҳолар компьютер-системасига келиб тушади ва кейинги кундаёқ биржа хабарларини босиб чиқарадиган рўзномалар бу баҳоларни ўз саҳифаларида босиб чиқарадилар.

Биржада савдо-сотиқ ишларини пинҳоний олиб бориш мумкин эмас. У ерда савдо жараёнлари сиртдан қараганда оддий бўлиб туюлса ҳам, товар сотувчи ва олувчи брокерлар савдо куни, вақти белгиланган пайтда бир-бирлари билан талашиб тортишиб, ишни пиширадигандек туюлса ҳам, шу савдони енгил ўтказиш учун маълум даражада тайёргарлик ишларини олиб боришлари керак. Чунончи брокерлар олдисотди шартномаларини тузишдан олдин рўзномалар ва бошқа хабар манбаларидан биржадаги маҳсулотнинг тури, уларнинг сифат кўрсаткичлари, нархлари бошқа биржалардаги худди шунга ўхшаш товар нархлари билан танишадилар. Ана шундан кейин олдиндан ўзлари олишлари мумкин бўлган нархни белгилаб биржа савдоларида иштирок этадилар. Ўзбекистондаги биржаларда савдо асосан нақд товарлар билан олиб борилади.

Чет эл биржаларида эса савдо ҳам нақд товар ва ҳамда ҳали йўқ товар билан олиб борилади. Агар товар етиштирилаётган бўлиб, сотувчи билан олувчи ўртасида маҳсулотнинг белгиланган миқдорини келишилган вақтда ва келишилган нархда сотиш шартномасига кўра олиб борилса, бундай шартнома форвард контракт, яъни келажакда бажариладиган шартнома дейилади.

Агар маҳсулотни сотиш бўйича тузилган шартнома қўлдан-қўлга ўтиб сотилса, бундай шартнома фьючерс шартномаси дейилади. Бизда ҳозирча форвард ва фьючерс контрактлар савдоси олиб борилмайди. Маълумки, фьючерс контрактлар маълум вақт қўлдан-қўлга ўтиб сотилади. Шу вақт ичида маҳсулот нархи ўзгариши туфайли фьючерс контрактининг ҳам нархи ошиб ва пасайиб туриши мумкин. Ким энг охирги бўлиб фьючерс шартномасини сотиб олган бўлса маҳсулот шунга етказиб берилади. Чет эл биржаларида нархнинг ошиши ва пасайиши суғурта қилинади.

Биржаларнинг самарасини ошириш ва уларнинг иқтисодга таъсирини кучайтириш учун ҳар хил товарларнинг сотиладиган туркуми миқдорини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун стандартлар белгилашни, баҳо даражалари, олди-сотди шартномаларни бажарилиш муддатлари ва қоидалари, савдо йили муддати, сотиш мумкин бўлган охирги кун ва товарларнинг етказиб берилиши шарт бўлган охирги кун белгиланиши керак. Мана шу шартлар бажарилса, олувчи билан сотувчи орасида келишмовчилик бўлмайди.

Чет эл биржаларининг биздаги биржалардан яна бир фарқи шуки, бизнинг биржалар, комиссион тушумларни тузилган шартнома қийматидан олсалар, чет эл биржалари тузилган шартномаларнинг сонидан қатъий нархда оладилар. Комиссион тушум шартнома қийматидан олинса, биржа шартнома қийматини оширишдан манфаатдор бўлади. Бу ҳол сотувчи учун яхши, олувчи учун эса ёмон. Тушумлар шартнома сонидан олинса шартнома қийматини оширишдан манфаатдорлик бўлмайди. Бунда, аксинча иложи борича кўп шартнома тузишга манфаатдорлик пайдо бўлади.

Умуман, биржалар ишини йўлга солиб, бошқариб борилса, улар иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир қилишлари мумкин.

**С. САЛИМОВ,**
**профессор.**

## • ТАКЛИФ ВА ИСТАК •

# ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ ТИКЛАНСА

**● Шу кунларда яна бир катта сиёсий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Совет даври фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки рус, украин, озарбайжон, қозоқ тожик ва бошқа халқлар тарихида «қора доғ» бўлиб қолди. Шу боисдан Ленин ҳайкалининг олиб ташланиши замон ҳукмидир.**

МАЪЛУМКИ, бир гуруҳ кишилар вазиятнинг етилишини ҳисобга олмай, Ленин ва бошқа партия арбоблари ҳайкалларини ҳамда номларининг сақланишини рўкач қилиб, Халқ демократик партиясини, республика Президентини собиқ Коммунистик партия сиёсатининг меросхўри деб аташгача борганлари сир эмас. Назаримда, ўша ҳайкалларнинг сақланиши хорижий мамлакат вакилларининг иккиланишига замин яратиши турган гап эди. Эндиликда ички ва ташқи даъволарга ўрин қолмади.

Кўргазмаларда ва матбуотда Мустақиллик обидасига бағишланган лойиҳалар ва таклифлар тавсия қилинди. Бироқ уларнинг муаллифлари Мустақиллик обидасининг асл мағзини чақмай иш юритмоқдалар. Умуман, Мустақиллик обидасини тарих музейи шаклида яратишга уриниш нотўғри. Мустақиллик рамзи ҳақида фикр юритилганда айтиш керакки кейинги минг йил даврида Амир Темурга тенг келадиган шахс йўқ. У Туркистон ўлкасини 150 йиллик мўғуллар зулмидан озод қилиб, мустақил ва марказлашган давлат барпо қилишга эришди. Шуниси диққатга сазоворки, унга тахт одатдагидек отадан мерос сифатида эмас, балки узоқ ва машаққатли курашлар ҳамда халқнинг қўллаб-қувватлаши туфайли насиб этди. У ўзининг бутун фаолиятида халқнинг асрий орзу ва истакларини рўёбга чиқарди. Хуллас, Амир Темур Туркистонда қудратли давлатни барпо этиб, уни жаҳон майдонига олиб чиқди. У буюк давлат арбоби, моҳир лашкарбоши ва тараққийпарвар сифатида жаҳон тан олган тарихий шахс.

Амир Темур асос солган сиёсатнинг Шоҳруҳ ва Улуғбекдан тортиб, Бобур ва Султон Ҳусайн Бойқарогача бўлган даврда давом эттирилиши тараққиётни таъминлади. Натижада ўзбек халқи жаҳон маданияти хазинасига яна бир бор салмоқли ҳисса қўшиш шарафига муяссар бўлди. Амир Темур асос солган давлат замон тақозоси билан Туркистонда 135 йил ҳукм сурган бўлса, Ҳиндистонда эса 350 йил яшади. Умумлаштирганда у салкам 500 йил давом этиб, жаҳон тарихи саҳифаларида олтин ҳарфлар билан битилди.

Шунингдек, Амир Темур ўз авлодларига: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин», — деб васият қилган эди. Амир Темурнинг мустақиллик ва озодлик байроғи кейинги вақтларда, яъни Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида ҳам аҳамиятини йўқотмади.

Келинглар азизлар, мустақилликка эришган бахтли кунларимизда Темур ва бошқа буюк тарихий шахсларнинг номларини абадийлаштирайлик. Шу нуқтаи назардан, мен қўйидагича таклифларни изҳор қиламан: Ленин ҳайкали ўрнига Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони таъсис қилиниб, унга муносиб топилган шахслар Амир Темур ордени ва олтин юлдуз билан мукофотланиши лозим. Бу юксак унвонга Ўзбекистон мустақиллигини сақлашга, иқтисодий ва маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган атоқли кишилар тавсия этилади. Амир Темур жаҳон тан олган моҳир лашкарбоши ҳисобланган. Унинг ҳарбий маҳорати ҳарбий академияларда ўқитилиши бежиз эмас. Шу боисдан Амир Темур номида ўзбек ҳарбий академиясини ташкил этиш лозим.

Чор ҳукуматининг тажовузига қарши жангларга, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий-озодлик қўзғолонларига бошчилик қилган кишиларнинг бюстларини Мустақиллик обидасига киритиш керак. Шунингдек, «Қўқон мухторияти» ва «босмачилик» ҳаракатининг раҳбарияти бюстлари обидада бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон мустақиллигини тиклашда ва расмийлаштиришда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда ўтган сессияси ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бу тарихий сессия президиуми ва залдаги депутатларнинг тасвири обида таркибига киритилса яхши бўларди.

Хулоса шуки, обида таркибига фақат мустақиллика бевосита дахлдор шахслар ва воқеалар киритилгандагина кўзланган мақсадга эришилади. Акс ҳолда у ўз аҳамиятини йўқотади ва нафи ҳам бўлмайди.

**Ҳ. ЗИЕЕВ**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.**

## РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

### ТУРКИЯДА ЎҚИЙДИЛАР

**● Туркия республикаси ўқув юртларида таҳсил оладиган бир гуруҳ ёшлар Андижондан жўнаб кетди.**

Бу йилги мактаб битирувчилари, ҳунартехника билим юртлари тингловчилари, олий ўқув юртларининг талабалари ўртасида ўтказилган танловда 81 нафар йигит ва қиз Туркияга йўлланма олди.

### ДАШТДАГИ БОҒ ҲОСИЛИДАН

**● Риштон туманидаги таъмирлаш корхонасида консерва цехи очилди.**

Унда етти хил маҳсулот тайёрланади. Олма, ўрик, олча, шафтоли таъмирловчилар даштда ўзлаштирган олти гектарли боғдан келтирилади. Улар ўн гектар майдонда полиз маҳсулотлари ҳам етиштиришмоқда. Бу ерда 200 тонна маҳсулот сақланадиган омбор қуриляпти.

### НАБИ РАҲИМОВ БУЛОҚБОШИ РАЙОНИНИНГ БИРИНЧИ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ

**● Ардоқли халқ артисти Наби Раҳимов яқинда ташкил этилган Булоқбоши туманининг биринчи фахрий фуқароси бўлди.**

Бу ерда механткашлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида унга ана шундай эҳтиром кўрсатилди. Таниқли санъаткор бундай ҳурмат-эътибор учун чин дилдан самимий миннатдорлик билдириб, ўз ижод йўли айрим лавҳалари ҳақида сўзлаб берди, булоқбошиликлар билан тез-тез ижодий мулоқотда бўлишни ваъда қилди.

### ҲОКИМНИНГ ФАРМОЙИШИ БИЛАН

**● Термизда истиқомат қилувчи М. Исмонловнинг уйига шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари комитетидан қўнғироқ қилиб, «Жигули» машинаси учун бир жуфт шина олиб кетишини таклиф қилишди.**

У кимдир ҳазил қилаётган бўлса керак, деб ўйлади. Йўқса, ҳар бири 3—4 минг сўмга чиқиб кетган автошинани арзон нархда беришармиди?

Маълум бўлишича, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари юлғичлардан мусодара қилган 126 та автошинани шаҳар ҳокимининг фармойиши билан уруш ва меҳнат фахрийлари, афғон уруши қатнашчиларига иккитадан арзон нархда сотишга қарор қилинган экан.

**(ЎзА).**

# ХУДО ЁР БЎЛСА, ДАРДИНГИЗНИ ОЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН...

**ЁКИ ТУШКУН ВА СУЛҒИН ЧЕҲРАЛАРГА ТАБАССУМ УЛАШАЁТГАН НАФИСАХОН ЙЎЛЧИЕВАНИНГ ОЛАМИ**

— Нима дейсан, Наманганда туғилган табиба ажиб ҳислатли экан.

— Эшитдингизми, сизга қўл теккизмасмишу дарддан фориғ бўларкансиз.

— Э, шошма! Ўша табиба сайёралар билан ҳам мулоқот қиларкан.

— Дори бермай даволаганини айтмайсизми?

Хуллас, бу тан олишлар каминани ҳам беэътибор қолдирмади. Наманган шаҳридаги вилоят Маданият саройи директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Аҳмаджон Мақсудовга рўпара бўлдик. Унга «шундай-шундай экан, ростми?» деган мазмунда мурожаат этдик. У гапни қисқа қилди:

— Сабр қиласиз, акахон! Беш ё ўн минутдан сўнг ҳаммасига ўзингиз шоҳид бўласиз. Марҳамат, залга киринг, — у саройдаги мингдан ортиқ ўриндиқ тамоман банд эканини кўргач, меҳмоннавозлик кўрсатиб курси келтириб берди.

Тирбанд одамлар орасида ҳеч нарсага тушунмай гарангсиб турганимизда, зал пештоқидаги чироқлар ўчди. Юқоридан аллақандай гувиллаган овоз эшитилди. Кейин катта залда енгил мусиқа оҳанглари бамисоли аллалади. Ўзимизни ўзга оламдагидек ҳис қила бошладик. Залда жимлик ҳукмрон. Саҳнада оқ кийинган ҳушқомат аёл пайдо бўлди. У дардмандларга мурожаат этади:

— Азизларим, аввали Худо, қолаверса дардларингизни олишга ҳаракат қиламан... Кўзларингизни аста юминг, жисми-аъзоларингиз мушакларини бўш қўйинг.

Тумонат одам бир дақиқа жимиб қолди. Сукунат 2-3 дақиқача давом этди. Нафисахон ичидами, сиртидами сирли пичирлади. Чамаси, аллақандай дуолар ўқиди. Унинг ишораси билан залдагиларнинг аксарияти мунгли йиғлай бошлади.

Табиба йиғлашга изн берди. Ўзини эркин тутишга, тўйиб-тўйиб йиғлашга даъват қилди. Унинг эътирофича, кўздан оққан ёш дардманд юракларни юмшатади, алам-андуҳдан халос этади. Залдагилар табибанинг айтганини адо этишди. Елкалари силкина-силкина йиғлашди, кўплари ҳўнгради.

Нафисахон муолижа сеанси давомида услубини ўзгартирди: хоҳлаганлар кулиши мумкинлигини айтди. Одамлар шу сўзни кутиб тургандай (ё табибанинг руҳий таъсириданми) зум ўтмай, залдаги ҳолат дафъатан ўзгарди. Кўпчилик аввал жилмайди. Кейин кулгу саси эшитилди. Сўнг қарийб ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулди. Улар шундай мазза қилиб кулишдики, кўзларидан ёш томчиларди.

Залга йиғилганлар бутун борлиқни — турмуш-тирикчиликни, иш ва режаларни унутишгандай эди. Бутунлай бошқа оламда яшаётгандай бир алфозга тушдилар. Дарвоқе, сеанс пайтида қимлардир донг қотиб ухлаб қолди.

Руҳий даволовчининг тан олишича, даволаш сеансларининг бутун ҳосият-ҳислати ана шундан — астойдил йиғлашдан, яйраб кулишдан, хотиржам ухлашдан иборат. Бу руҳий таъсирланишнинг ошкора ва ботиний кўриниши аломатлари эди.

Англашимизча, Нафисахоннинг муолижа босқичларн шартли тарзда уч қисмдан иборат: одамларни руҳан тайёрлаш, даволаш палласи ва руҳий таъсир натижасини ошкор этишдан иборат. Биз икки босқич манзарасини имкон қадар қалбда туйиб кўрдик. Якуний босқич сифатида руҳий таъсир натижалари иқрорини келтириш билан кифояланмоқчимиз.

Рашидхон Акмалов, — Нафисахоннинг муолижаларида 8 бора қатнашиб, шифолана бошладим. Ўтган ҳафтада юрагим ўйнаб кетди (приступ дейишадими-ей), сал ўтмай шол қўл-оёғим ҳаракатга кела бошлади. Аъзоларимда қон ҳаракатини сездим.

Ўн ойлик Авазхон Аъзамов онасининг иқрори бундай: — Болагинам туғма кўр эди. Нафисахон аясидан муолижа олгач, ўйинчоқ кўрсатсам талпиниб қолди. Уни ўз қўлчалари билан тутиб, қийқириб юборди. Қувончдан юрагим тарс ёрилай деди.

Тамара Холиқованинг қизида грижа бор эди. Айтишича, кечаси уйда ёлғиз ётган хонасида оёқлари катта-катта икки мўйсафид кўринибди. Қизалоқ тунда астойдил ингради. Эрталаб қарашса, грижадан холос бўлган экан. Операция белгиси сифатида қизгина ётган оқ чойшабда қон рангида излар қолибди.

Ш. Акбарова деган қизалоқ ҳар куни кўрпачасини хўл қилиб чиқар, бу ҳол ҳар кечада икки-уч такрорланарди. Бир марта сеансда қатнашганидан бери беш кун ўтяпти ҳамки, кўнгилсиз ҳолат такрорлангани йўқ. Қизнинг онагинаси шу таассуротини қувона-қувона ошкор этди, табибага миннатдорчилик изҳор қилди.

Нафисахон Йўлчиеванинг руҳий таъсир кўрсатиш кўлами кенг кўринади. Инсон олий асаб тизимининг хилма-хил, кўпдан-кўп нуқсонли нуқталари биологик нурдан ёки ғойибона таъсирданми, ҳар қалай, табибанинг бавосита аралашуви туфайли тикланмоқда, қайта фаолият ўзанига тушиб олмоқда.

Бошқача айтганда, биоқувват таъсири остида бош оғриғи, қон босими, юрак қон-томир касалликларининг кўпи чекинмоқда. Ошқозон яраси шифоланиб, буйракдаги тош тушмоқда. Соқовлик, дудуқланиш, кўз заифлиги, шол ё бўғин касалликлари тез даволанмоқда.

Қизиғи шундаки, сеҳрли таъсир соҳибаси ҳеч қайси дардмандга дори-дармон бермайди. Қўл теккизмайди ҳам. Бор йўғи нигоҳ ташлайди. Ҳатто беморнинг сурати келтирилса ҳам ётган уйида шифо топганлар бор. Табибанинг таъкидлашича, у «Бобо»лар ёрдамида — зоҳирий шифо бахш этади. Буни халқ «лашкари» бор одам деб ҳам атайди.

«Лашкарли» табиба Фарғонага келин бўлиб тушди-ю, сердоврғ бўлиб кетди. Асли Наманганнинг Чустидан, Олмос қишлоғидан. Билмадим, Олмосни парилар юрти деган ҳикоятларда сир бордай. Ўзида одамларни даволашга ёшликдан иштиёқ зўр эди. Шу иштиёқ уни тиббиёт билим юртига бошлаб келди. Битиргач, катта ҳамширалик касбини бнб-бинойи адо этиб келаётганди. Бора-бора ўзида сирсиноат борлигини пайқади, амалда исбот қила бошлади.

Шу интилишини Ўзбекистон илмий муҳандислар жамиятининг табиатда қувватахборот алмашинувини ўрганиш уюшмаси мутахассислари синовига бақамти қилди. Катта мутахассислар Нафисахон Йўлчиевани уюшма қошидаги махсус курсга йўллашди. Ойласи, фарзандлари бўлишига қарамай, бир ярим йил шу махсус курсда шуғулланиб, диплом-гувоҳнома олди. Энди у Фарғона шаҳрининг Шакарқишлоқ мавзесидаги «Райҳон» санаторий-профилакторийси қошида фаолият кўрсатиб турибди. Вақти-вақти билан вилоятларда шифолаш сеанслари ўтказади.

Кўплар уни сирли олам соҳибаси сифатида излайди. Излашяптими, демак бунда бир хосият бор. Уни Наманганда учратиб, бунга иқрор бўлдик.

**Жўра ХОЛҚОСИМОВ.**

## АХБОРОТ

● ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА

### Тасвирий санъат кўргазмаси

**● ФАРҒОНАДА Ўзбекистон тасвирий санъат усталари уюшмасининг шаҳар ассоциацияси тузилган.**

Бу ерда бир қатор ёш қобилиятли санъаткорлар иш олиб боришяпти. Яқинда фарғоналик санъат усталари, рассомлар, ҳайкалтарошлар, ўймакор наққошлар асарларининг кўргазмаси очилди. Ҳайкалтарошлар А. Абдуғаниев, ўймакор Б. Ғафуров, ёғоч наққоши А. Солиевларнинг ишлари кўргазмага кирганларда қизиқиш уйғотди. А. Абдуғаниевнинг «Эррайим», «Шоира» ҳайкаллари, З. Ғофуровнинг «Мис қўмғон» ва нақшли мис пиёлалари, В. Кашен ва М. Жўрабоев сингари рассомларнинг асарлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Кўргазмага қўйилган асарларни сотиб олиш ҳам мумкин. Фарғона бадиий тасвир усталарининг кўргазмаси давом этмоқда.

● ҲОДИСА

### Хонадонда чақмоқ «меҳмон» бўлди

**● ОЛТИАРИҚ районидаги «Поласон» давлат хўжалиги ишчиси А. Юнусалиев ўз томорқасида иш билан машғул эди.**

Ҳаво айниб осмонни қора булут қоплади. Қарчиғай қирлари томонда пайдо бўлган шарсимон чақмоқ кутилмаганда Юнусалиевлар уйининг томидаги телевизор антеннасига урилди. Антенна бир зумда парчапарча бўлиб кетди. Сўнгра чақмоқ уй томини тешиб, хона ичига кирди ва гир айланиб уча бошлади. Уй ичидаги жиҳозлар, идиштовоқлар чақмоқ тегиши билан чил-парчин бўлиб кетаверди. Чақмоқ иккита дераза ромини пачақлаб ташлади. Сўнгра деразадан чиқиб, оғилхонага кирди. Оғилхонадаги ғунажин шарсимон чақмоқ дастидан нобуд бўлди. Хонадон эгалари ҳам енгил жароҳатланишди. Кейин чақмоқ ғойиб бўлди. Табиатнинг биз билмаган бу «ҳунарини» илгари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган эди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

● ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# УМР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

Фотима АБДУЛЛАЕВА

**Муҳтарам ўқувчи! Газетамизнинг 29 ва 31 июль сонларида машҳур олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотираларни эълон қилдик.**

**1951—1954 йиллар эса Ҳабиб Муҳамедович ҳаётида катта тортишувлар, курашлар, қарама-қаршиликлар даври бўлган...**

Ҳабиб Абдуллаев иш кабинетида.

Ой кетидан ой, кун кетидан кун ўтиб, 1948 йил ҳам кирди. Ҳаёт шу тартибда давом этар эди. Шу йил 3 июнда Ҳабиб Муҳамедовичнинг орзуси рўёбга чиқди. У киши давлат арболлигидан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига вице-президент лавозимига ўтказилди. «Энди бутунлай илм билан шуғулланаман. Ўйлаб юрган ва йиғилган материалларимдан тўлиқ фойдаланиб, катта-катта илмий асарлар яратаман. Бундан кейин уларни ёзиш учун вақт ва имконият бўлади», — деб мен билан ўз хурсандчиликларини баҳам кўрардилар.

Шу йил 16 декабрда учинчи фарзандимиз Рустамбек дунёга келди. Инсон пайдо бўлибдики, зурёд қолдирса ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Бошқа ота-оналар каби биз ҳам кўп орзу ва умидлар билан фарзандларимизни тарбиялаб, келажакда Ватанига, халқига ҳалол хизмат қиладиган софдил инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилар эдик.

Янги йил арафасида болаларнинг иккита каттаси касал бўлиб қолди. Бу орада ўзим ҳам тўсатдан қатиқ оғридим, бод касаллигим қўзғалиб, тўшакка ётқизиб қўйди. Ўша оғир дамларда Ҳабиб Муҳамедовичнинг феъли кенглиги, меҳрибонлиги кўнглимизга таскин берарди. У киши уйдами, ишдами, бирор кўнгилсиз гап ва оғир вазиятга учраб қолсалар, ўзларини одатдагидан ортиқроқ ишлашга мажбур қилардилар. Аммо иш жараёнида мен ётган хонага тез-тез кириб турар, кўнглимни кўтарувчи суҳбатлар қилар, дардимни енгиллатишдан ожиз эканликларини армон билан айтар эдилар.

Мен бўлсам, Ҳабиб Муҳамедовичнинг иши ғоят оғирлиги, уйдаги тартибнинг бутунлай издан чиққанлиги, айниқса Ҳабиб Муҳамедович ишдан чарчаб келганларида уларни овқат тайёрлаб, кутиб оладиган одам бўлмаётганлигидан жуда қайғудалигимни айтардим. Шунда Ҳабиб Муҳамедович: «Азизам Фотимахоним, дунёда ҳамма нарса инсон учун. Кўп ташвишланманг, мен соғман. Тузалиб оёққа туриб кетсангиз бас», — дер эдилар. Маъноли ва ширин гапларни мен учун азиз инсондан эшитар эканман, ўз тақдиримдан хурсанд бўлиб, бошим осмонга етарди.

1950 йил 16 январда Ҳабиб Муҳамедович СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига кўра яна «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотландилар. Ўша йили Ҳабиб Муҳамедовичнинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» номли монографияси Тошкентда чоп этилди. 1954 йилда эса бу китоб Москвада қайта нашр бўлди. Шу асар устида Тошкентдаги мунозарадан сўнг Ҳабиб Муҳамедовични қоралай бошлашди. Танқид шу даражага бориб етдики, уни совет олими эмас, балки капиталистик давлатлардаги олимларнинг назариясини қувватлаган ва ўшалар билан бир фикрга келган ёт кишидир, деб даъво қила бошлашди. Шу ўринда Ҳабиб Муҳамедовичнинг СССР Фанлар академиясининг Геология ва география бўлими академик секретари академик Д. С. Белянкинга ёзган мактубларини келтирсам.

«Қимматли Дмитрий Степанович!

Координацион Советнинг мажлиси тамом бўлгандан сўнг, бир ойдан ошиқ Москвада бўлдим. Шу вақт ичида сизнинг ҳузурингизга бориб, ишим ҳақида гапира олмадим. Ҳузурингизда бўла олмаганимнинг сабаби устимда бўлаётган иғволарни сизга гапиришдан уялганимдандир. Бусиз ҳам сизга тез-тез мурожаат қилиб тураман. Тошкентга қайтиб келгач, хат ёзиб сизни хабардор қилиб қўйишга қарор қилдим.

1. 1950 йилда менинг «Рудаларнинг интрузиялар билан генетик алоқалари» китобим чиққанидан сўнг бир тўда геологлар аввал менга қарши турдилар. Кейинчалик назариямга қарши чиқдилар. Бошланишида ҳамма илмий мунозара кўринишида бўлиб, мажлисларда танқид қилишди. Эндиликда эса шу бир тўп геолог олимлар менинг устимдан юқори партия ва бошқа ташкилотларга шикоятномалар ёза бошлашди.

2. Аввалари ҳар хил салбий рецензиялар, кейинроқ турли иғволар ёзилди. Бу хатларни ёзишда ўзингизга маълум ўша «геолог» биринчиликни олиб, бошқалардан фарқли равишда мана шу охирги икки йил ичида ўндан ошиқ хат битди. У энди ёзмайман, деб берган қасамига қарамай, ёзишда давом этяпти.

3. Докторлик ишимнинг қўлёзмаси устида катта жанжал кўтаришди. Ўзингизга маълум, бу ишимни катта лавозимдалик давримда ёзганман. Ўшанда мен керакли материалларни ўзим йиға олмаганим учун, табиий равишда бошқа геологларнинг материалларидан ҳам фойдаланганман. Бу ҳақда кириш сўзида ва керак жойларда эслатиб ўтганман. Докторлик ишим 52 конга оид манбалардан фойдаланиб ёзилган бўлса, шундан 7—8 тасини шахсан ўзим ўрганганман, қолганларини эса бошқаларнинг материалидан фойдаланиб ёзганман. Докторлик диссертациясини ҳимоя қилганимга етти йил, ўша ишим китоб ҳолида нашр қилинганига эса олти йил бўлди. Буни қарангки, бугунга келиб мен ўша ишимда гўё бошқаларникидан тўлиқ фойдаланганим ҳолда уларга ҳавола (ссилка) бермаганман, берган тақдирда ҳам нотўғри эмиш. Шунинг учун менинг назарияларимдаги хулосалар бошқа геолог олимларнинг фикрини такрорлашдан бошқа нарса эмасмиш. Лангар кони устида ишлаб, иккита картани мен қилмаган эмишман. Ваҳолонки, шу картадан биттасини 1939 йили Москва геология разведкаси институтининг илмий ишлари тўпламида босиб чиқарганман. Иккинчисини эса 1941 йилда СССР Фанлар академиясининг «Геология» ахборот журналида эълон қилганман.

4. Бу ишда ҳамма ҳужжатлар фақат расмият учун кўтарилиб, кичкина камчиликлар ҳам ғоят катталаштириб кўрсатилаётир. Қай даражада бўлса-да, менинг ишим билан таниш бўлганларни, улар менинг одамим ва менинг томоним деб ҳисоблаб, уларнинг ишларини текширишга қатнашмаётирлар. Ана шундай нотўғри фикрдаги геологлар илмий советга ҳам, менинг оппонентларимга ҳам ишончсизлик билдиряптилар. Албатта, бу шароитда ҳақиқатни юзага чиқариш жуда қийиндир.

5. Юқорида кўрсатган материалларимнинг ҳаммаси Олий аттестация комиссияси (ВАК)га борди. Бу ҳужжатларнинг очиқданочиқ иғво эканини ВАКнинг эксперт комиссияси тўғри тушунди. Бу комиссия эътиборсиз қолдирилиб, яна бошқаси тузилди. Унга Бетехтин бошлиқ бўлиб, составида Вольсфан, Дроздов, профессор Жданов (нефть бўйича мутахассис), профессор Тюременов (торф бўйича мутахассис) бор. Мана шу комиссия ишимни текшириши керак. Шунинг учун тузилган комиссиядан ҳафсалам пир бўлиб, 20 мартда Тошкентга қайтиб келдим, энди унинг қарорини кутиб ўтирибман. Бу масала устида Марказий Комитетнинг илм бўлимида, ўртоқ Жданов қабулида бўлдим. У: «Бу масала билан Топчиев шуғулланади» — деди. Топчиев эса: «Масалани жуда эътибор билан қараб чиқаман ва ҳақиқат томон ҳал қиламан», — деб ваъда берди.

Сабаб бўлган ишнинг қисқача мазмуни мана шу. Яқинда бўладиган петрография мажлисига бора олмасам керак. Ваҳолонки, унга қатнашиш истагим зўр эди.

Азизим Дмитрий Степанович, чалкашиб кетган шахсий ишларим билан сизнинг кўнглингизда нохушлик ҳосил қилишдан ғоят ҳижолатдаман. Начора, ҳозирги вазият шуни тақозо қиляпти. Умид қиламанки, тез вақтда бу гаплар тамом бўлади. Бу зўқарланиш икки йилдан бери давом этяпти. У пухта ташкил қилинган ҳолда олиб борилмоқда ва қандай бўлмасин охирига етказишга тиришмоқдалар. Текшириш вақтида ҳеч ким Геология институтининг илмий ненгаши ва ишлаб чиқариш хизматчиларининг фикрларини сўрамади. Чунки улар мен билан ишлашган. Шунинг учун ҳақиқатни юзага чиқариш қийин бўляпти. Мана шу кишилар ўз вақтида В. И. Смирнов устидан ҳам ёзганлар. Ваҳолонки, ўша вақтда у министр ўринбосари вазифасида эди. Энди бўлса менинг устимдан ёзишяпти. Ишим Ўрта Осиё геологларининг кўпига маълум. Дмитрий Иванович Шербаков ва Ўрта Осиё геологларининг аксарияти бу ҳақда кўп нарсани айтишлари мумкин. Тошкентга қайтиб келгач, ишга тушдим. Аммо ишлашга ҳеч қандай хоҳишим йўқ. Ачинарли ҳол. Одамлар ишлаш ўрнига мана шундай иғволар билан машғул. Мен бўлсам илм билан шуғулланмай, тушунтириш ва оқлаш хатларини ёзишга мажбурман. Аммо, бу ишлар ҳам охирига етса керак, деб умид қиламан.

Қадрли Дмитрий Степанович, яна қайтариб сўрайманки, сизни безовта қилганим учун кечиринг.

Март, 1953 йил

Сизга кўп ҳурмат ила

(Ҳ. Абдуллаев).

«31 март 1953 йил

«Азиз Ҳабиб Муҳамедович!

Бахтга қарши сизнинг хатингизни касал бўлиб ётганимда олдим. Шунинг учун жавобини қисқа ва қалам билан ёзяпман. Фикрингизни қувватлайман. Жуда ачинарли ҳолки, одамлар илм билан эмас, иғволар билан шуғулланишади. Шунга қарамай, иғволар ва заҳарланишлар натижасида сизда пайдо бўлган руҳий эзилишдан мутлақо чиқишингиз керак. Сиз ўзингизни шундай олиб боришингизга қаршиман. Ломоносовни эсланг. Уни ҳам озмунча эзишмаган. Ишларингиз билан бирдан-бир тўғри йўлдасиз. Биз, олимлар учун тўғри йўллардаги нотўғрилик сизни ажаблантирмасин.

Чин юракдан салом ила

Д. Белянкин».

**(Давоми бор).**

## «БОНУ» НОМИ БЕРИЛДИ

**● Нурота туманидаги собиқ «Россия» давлат хўжалигининг маъмурий биносида қоракўл терини қайта ишлаш корхонаси ташкил этилди.**

Корхона Бухоро—Омега—Нурота уюшмасига қарашли бўлиб, унинг қисқартма номи билан «Бону» деб аталди. Унга Бухоро қоракўлчилик заводининг Греция билан ҳамкорликдаги Омега корхонаси воситачилик қиляпти. Бинони таъмирлаш учун 700 минг сўм сарфланди. Бу ерда қоракўл теридан аёллар учун камёб кийимлар тикилади. (ЎзА).


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

# ЖАРЧИНОМАСИ

## ЗАВОД СОЛНОМАСИНИ ЯРАТАЙЛИК

**1994 йили Ўзбекистон металлургия заводи жамоаси корхона ташкил топганлигининг 50 йиллик тўйини нишонлайди.**

Шу муносабат билан завод қурилишида ва унинг оёққа туришида иштирок этган барча меҳнат фаҳрийларидан ўзларида сақланаётган тарихий ҳужжат ва суратларни, ўз хотираларини Бекобод металлургия заводининг ташкилий қўмитаси номига йўллашларини илтимос қиламиз.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касаллик илмий-текшириш институти қуйидаги бўшаган лавозимларга

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Аспирантурага, ишдан ажралган ҳолда, «эпидемиология» (1) ва «юқумли касалликлар» (1).

2. Аспирантурага, ишдан ажралмаган ҳолда, «юқумли касалликлар» (1).

3. Клиник ординатурага, «юқумли касалликлар» (2).

Танлов муддати—эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилгоҳга юбориш лозим: 700133, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси 2-уй, ЭМЮҚИТИ.

Телефон: 42-32-22, 42-70-64.



## АСАКА МОТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

**1993 йилда қишлоқ хўжалик тракторларининг Д-144 двигателларини таъмирлаш учун барча вилоятлардаги давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга тайёр.**

**Шартнома тузишни хоҳловчи ташкилотлар 1992 йил 1 ноябргача қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин:**

**Андижон вилояти, Асака шаҳри, Вокзальная кўчаси.**

**Телеграф аппарати: 168617 Шатун.**

**Маълумот учун телефонлар: 2-44-73, 2-43-75.**



## МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

карбид ишлатмасидан пропан-бутан ёрдамида пайвандлаш мосламасини истеъмолчиларга тайёрлаб беради. Нархи келишилган ҳолда.

**Куни кеча республикамиз олий ва ўрта ҳунар-техника билим юртларига қабул имтиҳонлари бошланди.**

**Суратларда Тошкент педагогика коллежида имтиҳон пайти ва синовдан кейинги қувончли дақиқалар акс этган.**

**В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.**

● *Оқибатли одамлар*

# ЕТИМ БОШИ ОСМОНГА ЕТДИ

**● Меҳр-оқибатли бўлиш, савобга қўл уриш яхшилик аломати. Етимесирларнинг бошини силайдиган, топган-тутганини хайрли ишларга сарфлайдиган одамлар кўп. Бундай кишилар бош-қош бўлган жамоаларда эса яхшилик барқарор.**

Қашқадарё вилоятининг кўп тармоқли болалар шифохонасида уюштирилган суннат тўйига таклиф қилган бош ҳаким Давр Эронов: «Жамоамиз фарзанди бўлиб қолган бир ўғилчанинг қўлини ҳалолламоқчимиз», деб қолди. Шифохона ҳовлисидаги серсоя дарахтлар остидаги дастурхон атрофи одамлар билан гавжум, куй ва қўшиқлар янграб турибди.

Биз Давр ака билан суҳбатлашдик.

— Мусулмончиликка хос азалий удумни адо этаяпмиз, — деди у. — Шифохонамизда беш йилдан буён Ўлмас Умаров, деган бола даволанади. Унинг яқин одами йўқ. Тиббиёт фанлари номзоди Саъдулла Бердиёров мудирлик қилаётган буйрак хасталиклари бўлими жамоаси бу борада ташаббускорлик кўрсатди. Биз уларни қўллаб-қувватладик.

Маълум бўлишича Ўлмас асли Китоб районидан экан. Онаси вафот этган, отаси уйланиб кетган. Ўлмас сурункали бўйрак хасталигига чалинган. Яхши одамлар уни касалхонага олиб келишган. Мана беш йилдан бери у шифохонада. Ўлмас жамоа фарзандидек бўлиб кетган. Унинг суннат тўйининг ўтказилиши ҳаммага маъқул тушгани шундан.

Тўй жуда завқли ўтди. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, диёнатли инсонлар қадрият ҳақида илиқ сўзлар айтишди. Тўёналар ҳисобидан Ўлмас Умаров номига ҳайрия-ю тўёна бўйича омонат кассада ҳисоб очилди. Бундай савобли ишдан кўпчиликнинг кўнгли таскин топди.

М. КАРОМОВ,
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитаси Марказий Кенгаш аппаратининг масъул ходими Абдулҳафиз Жалоловга онаси

**Ҳамидахон аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради ва оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси редакциясининг жамоаси редакция ходими М. Абдуқодировага акаси

**Абдулҳай Ҳаллоқберди ўғли КАРИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси, физиологияси ва ветеринария асослари кафедрасининг доценти Э. Ташпўлатовга отаси

**Тошпўлат ДУСТҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Самандар» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси, «Фильм'Ş» ойномаси таҳририяти жамоалари шу корхона бош директори, «Фильм'Ş» ойномаси бош муҳаррири М. Каримовага отаси

**Абдулҳай Ҳаллоқберди ўғли КАРИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

**● Бўлажак оналар жисмоний тарбия билан шуғулланишлари керакми! Бу саволга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан давлат спорт комитети мутахассислари ижобий жавоб беришди.**

● *Саломатлик посбонлигида*

# БЎЛАЖАК ОНАЛАР УЧУН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КЕРАКМИ?

Бу ташкилотлар «Оналик ва сиҳат-саломатлик» республика жисмоний тарбия-соғломлаштириш марказининг муассислари бўлди. Тошкентда ана шу марказни таништириш маросими бўлиб ўтди.

Марказ даволаш-жисмоний тарбия диспансери билан педиатрия илмий-тадқиқот институтининг клиникаси негизида барпо этилди. Мазкур тиббиёт муассасалари ўз спорт залларини, ҳовузларини, шунингдек, махсус ускуналари билан тренажерларини даволаш гимнастикаси машғулотлари учун беришди. Шифокорлар бўлажак оналарга сувда сузиш билан шуғулланишни ҳам тавсия қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси уларга ўз соғлиқларини ва бўлажак чақалоқ саломатлигини мустаҳкам лашга ёрдам беради, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар. Корхона ва ташкилотларда аёллар гуруҳлари ташкил этилмоқда. Марказда улар ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтадилар.

(ЎзА)


Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583. Буюртма № Г—281. № 152.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.